O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**БУГУНГИ СОНДА:**

**Социал-демократия:**

**ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА**

Социал-демократия мафкурасининг бош негизини ижтимоий ҳимоя ташкил этади.



2

**ДАВОС ФОРУМИ**

Дунё бизнес-раҳбарларининг энг катта йиғини ҳам молиявий инқирозни бартараф этишга етарли бўлмади

3




**ЮКСАК МАЪРИФАТ ЙЎЛИ**

Бу ерда ўқитувчиларга етарлича шарт-шароитлар яратилган. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги методик-услубларни жорий қилиш яхши анъанага айланган.

4




Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

№ 5 (709)
2009 йил, 6 февраль, жума

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган


**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**



*Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан эълон қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"нинг иккинчи ойига қадам қўйдик. Ўтаётган ҳар бир кунимиз бу борада янги маъно-мазмун касб этаётгани, айниқса, қувонарлидир. Аҳолининг кўпчилик қисми яшайдиган қишлоқларимизнинг ижтимоий-маданий қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг меҳнат қилиш, яшаш ва мазмунли дам олиш шароитларини янада яхшилаш ҳаракати кундан-кунга амалий тус олмоқда.*

# ЮРТ ОБОДЛИГИ — ЭЛ ШОДЛИГИ

Деҳқон бой бўлса – юрт дастурхонига файз киради, деган гап бор. Бунинг боиси шуки, мамлакат катта бир хонадон, ризқ-рўзимиз яратиладиган қишлоқларимиз ана шу хонадоннинг қутлуғ остонаси. Бу остонага бўлган эътибор асло изсиз кетмайди. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбарининг таклифи асосида тайёрланган ва тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури айни муддао бўлди.

Собиқ тузум пайтида бундай эътибор ҳатто хаёлга ҳам келмаган. Маҳаллий шароит, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ҳисобга олинмай, юқоридан туриб кўр-кўрона белгиланадиган ҳавойи режаларни бажариш учун деҳқонлар, чорвадору боғбонлар эрта баҳордан кеч кузгача тиним билмай ишлашса ҳам, улар меҳнати деярли қадрланмаган. Ҳосилдорлик нечоғли юқори бўлмасин, фойдасини "Ўроқда йўқ, бошоқда йўқ – хирмонда ҳозирлар" кўришган. Маданий-маиший хизмат соҳаси бўлса "хўжа кўрсин"га ривожлантирилган. Яъни ҳар бир туманда биророта бир хўжаликка алоҳида имтиёз берилиб, ҳар жиҳатдан кўз-кўз қилинган, бир қарашда намунали туюладиган клуб, кутубхона, ҳаммом, сартарошхона ишлаб турган, "деҳқоннинг иккинчи уйи" деб расман эълон қилинган кўргазмали дала шийпонларида гўёки дам олиш шароитлари яратиб қўйилган. Бироқ, буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашлари учун эмас, юқоридан келадиган текширувчилар учун эканлигини фаҳмлаш қийин бўлмаган.

Ачинарлиси шунда эдики, деҳқонлардан ҳар қандай шароитда ҳам юқори ва сифатли ҳосил талаб қилинган. "Менга қолса тош ёғмайдими, барибир, пахтани териб оламиз", деган шиор амалда бўлган. Режани бажармаганларга, гарчи бунинг объектив сабаби бўлса ҳам, жазо белгиланган, аммо уларга ернинг, даланинг ихтиёри берилмаган. Нима экиш, қачон ва қаерга экиш, қачон суғориб, қачон йиғиштириб олишни ер илмидан, деҳқончиликдан узоқ кишилар ҳал қилган.

Давлатимиз раҳбари истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ, бу номутаносибликка барҳам бериш вақти келганлигини баралла эътироф этди: "Бугунги қишлоққа ўзининг асл қадр-қимматини қайтармоқ зарур, - деб таъкидлади Президентимиз. — Қишлоқ хўжалиги қайта туғилиши керак. Қишлоқ меҳнаткашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ". Қишлоқ аҳолисига томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги Фармон эса мамлакатимиз раҳбари бу ниятни рўёбга чиқариш учун астойдил бел боғлаганини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда.)

**Қонун ижодкорлиги**

# РИВОЖЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ СТРАТЕГИЯСИ

**Бугунги ҳаётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бу соҳа қисқа муддат ичида ахборот олиш ва алоқага чиқиш борасидаги имкониятларимизни кескин кенгайтириб юборди. Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳеч бир мамлакат ахборот-коммуникация технологияларининг доимий равишда такомиллашувига етарли даражада эътибор бермай туриб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан муваффақиятли ривожлана олмайди.**

Ўзбекистонда ривожланишнинг истиқболли стратегияси ҳам ахборот жамиятига томон ҳаракатланиш, уни шакллантириш омиллари ва шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган. Бу эса, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий маконига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида кириб бориш имконини яратмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда 13 та қонун, Юртбошимизнинг 3 та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 17 та қарори, 300 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, бир қатор миллий дастурлар ишлаб чиқилган.

Мустақиллик йилларида ушбу соҳа барқарор ва мутаносиб суръатларда ривожланиши натижасида 2008 йил давомида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан сифатли хизматлар кўрсатилди. Уларнинг даромади 2007 йилга нисбатан 58,5 фоизга ошди. 2008 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуи бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми аввалги йилга нисбатан 156,8 фоизга ўсди.

Алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантиришга 2003 – 2007 йилларда жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 593,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори 459,6 миллион доллар, давлат кафолати остидаги инвестициялар миқдори эса 133,9 миллион АҚШ долларига етди.

Телекоммуникация тармоқларининг мунтазам ривожланиб бораётганини мобил алоқанинг ўсишида ҳам кўриш мумкин. 2005 йил ноябрида мамлакатда уяли алоқадан фойдаланувчи бир миллионинчи абонент рўйхатга олинган бўлса, 2009 йилга келиб Ўзбекистондаги мобил алоқа абонентларининг сони 12,5 миллионни ташкил этди.

Интернетнинг миллий сегментида ахборот ресурсларни қидириш WWW.UZ Миллий ахборот-қидирув тизими ишлаб турибди. Унда 3 минг 600 дан ортиқ илмий оммабоп ахборот ресурслари ташкил этилди ва рўйхатга олинди.

Ахборот-коммуникация технологияларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги ҳамда бу соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш устувор вазифа эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлиги ишлари дастури лойиҳасини тайёрлашга киришди. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 27 январида Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида депутатларга қарата, "Агарки, қаердадир бирон-бир муаммо пайдо бўлса, сизлар, аввалambor, бу масала бўйича қонун қабул қилинганми ёки йўқми, деб ўзингизга савол беришингиз, имкон қадар шундай вазиятга йўл қўймасликка ҳаракат қилишингиз зарур. Лекин, афсуски, қонунчилик ишида бундай ёндашув, бундай тажриба бўлгани йўқ ва энди бундай ҳолатни бартараф этиш фурсати етди" деган фикрлари ҳам муҳим роль ўйнади.

Дастурни тайёрлаш учун қўмита аъзолари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул департаменти ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

"Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологияларини норматив жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлиги ишлари Дастури"ни ишлаб чиқиш чоғида ишчи гуруҳи томонидан шу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонун ва қатор қонуности ҳужжатлари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиниб, тегишли вазирлик ва идораларнинг таклифлари олинди.

Дастурда 2009-2010 йиллар давомида ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ва янада ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда. Хусусан, «Шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот-кутубхона фаолияти ҳақида»ги ва «Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаларини ҳамда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, "Радиочастота спектри тўғрисида"ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги каби амалдаги қонунлар шулар жумласидандир.

Мазкур дастурда белгиланган қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштиради. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми, кўлами ва сифатини янада оширишга, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ахборот коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда фуқароларни телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли таъминлаш, ахборот ва телекоммуникациялар хизматлари бозорида рақобатни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Алишер МЎМИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.**

**Маҳаллий партия Кенгашларида**

***Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар кишилар онгида янгича фикрлаш ва ишлаш туйғусини шакиллантирмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан кунга чирой очиб, бири-биридан гўзал ва мафтункор муҳташам бинолар қад ростламоқда. Равон йўллар қурилиб, теварак-атроф гулзорга айлантирилаяпти. Ўтмиш аждодларимизнинг муқаддас қадамжолари обод қилинаяпти. Халқимизнинг бу яратувчанлик ишларида "Адолат" СДП Термиз шаҳар Кенгаши фаолларининг муносиб ҳиссаси бор.***

# ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ

Биз эзгу ишлар остонасида яшаяпмиз. Ўтган йилги қиш сабоқларидан ўзига тегишли хулоса чиқарган партия фаоллари ташаббуси билан яқинда Кенгаш қошида кўмаклашув гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари муттасадди ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳримиздаги 10 та маҳаллада бўлиб, қиш мавсумининг қай даражада ўтаётганини назорат қилиб боришаяпти. Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари шаҳардаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактаблардаги иситиш жараёнларини кузатиб, муаммо туғилганда, уларнинг ечими борасида ўқув юртларига амалий кўмак бериб келмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

**9 февраль — Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган кун**

# НЕ НАЗМИКИ ЎТЛУҒ КЎНГУЛДИН ЧИҚАРДИМ...

Шоҳбайт – шакл ва мазмун жиҳатидан шеърдаги байтларнинг энг зўри, энг таъсирлиси. Шарқнинг даҳо санъаткорлари шеъриятида шоҳбайтлар дурдай терилиб, олмосдай товланиб туради. Улардаги маъно ва мазмунни бундайроқ шоир бутун бошли китобида ҳам акс эттиролмаган.

Устоз Мақсуд Шайхзода Навоийни ғазал мулкининг султони дея таърифлаган эди. Шоир ғазалларида шоҳбайтларнинг кўплигига асосий бир сабаб Навоийнинг чиндан ҳам ғазал мулкининг султони эканлигидир. Уларни ўқиганда сўздан-сўз учқурроқ, маънидан-маъни ёлқинлироқ, оҳангдан-оҳанг жаранглироқ, тасвирдан-тасвир рангдор ва жозибали бўлишига тўла ишонч туғилади. Шеъриятга доир суҳбат ва аҳли маърифат гурунгларида ўқилиб кўпчиликни қойил қолдирган ва бир неча талқинларга илҳомлантирган байтлар ҳам шоҳбайтлар бўлган. Шоҳбайтни куй ва қўшиқнинг авж пардасига қиёслаш мумкин.

(Давоми 4-бетда.)



**7 кун нафаси**

**ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ**

Тошкентда "BDS Lising" Ўзбекистон — Швейцария қўшма компанияси иш бошлади. Низом жамғармаси 724,8 минг АҚШ долларидан иборат ушбу компания мамлакатимизда фаолият юритаётган юридик шахс мақомидаги мижозларга лизинг хизмати кўрсатади.

**МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ**

Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл педагогика коллежи биносида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 51 та корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмарка якунида 60 нафар киши иш билан таъминланди.

**АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК**

Чуст туманидаги "Истиқлол" маҳалласи аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда яқинда 1500 метр масофага тортилган газ қувури фойдаланишга топширилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қишлоқ аҳлига қурувчиларнинг дастлабки муносиб совғаси бўлди.

**МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА**

Гулистон шаҳрида туркиялик ҳамкорлар иштирокида янги "Ursa-Minor" корхонаси ишга туширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур иншоотга 1 миллион 600 минг АҚШ долларлик инвестиция жалб қилинди. Бир кеча-кундузда 30 тонна мевани қайта ишлаш ва қуритиш қувватига эга ушбу корхонада 60 киши доимий иш билан таъминланди. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга чиқарилади. Хом-ашё етказиб бериш бўйича ўндан зиёд фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланди.

## Вилоят Кенгашларида

# ҲАРАКАТЛАР БЕСАМАР КЕТМАЯПТИ

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Буни Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгашлари томонидан жойларда олиб бораётган ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши бугунги кунда 11 та туман ва 2 та шаҳар Кенгашларини бирлаштирган. Уларда қарийб 4 минг нафарга яқин аъзо, 181 та бошланғич ташкилот мавжуд. Кенгаш таркибида "Хотин-қизлар кенгаши" ва "Ёшлар қаноти" самарали фаолият олиб бораётир.

— Партия ташкилотимиз якунланган йилда уч юзга яқин турли мавзуларда тадбирлар уюштирди, — дейди Кенгаш раиси ўринбосари Раҳмон Давронов. — Аҳамиятлиси ўнлаб йиғинларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари аъзолари ҳам иштирок этишди. Хусусан, Зуҳра Ботирова, Алишер Мўминов, Абдулла Абдуназаров, Юсубжон Нишонов сингари депутатларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, парламент фаолияти, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини оширишга қаратилган мазмунли маърузалари иштирокчиларни бефарқ қолдирмади. Шу билан бирга кўплаб долзарб мавзулар чуқур ўрганилди ва амалий ечимини топди.

Партия фаолларининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаяпти. Аҳолининг партияга бўлган ишончи ҳам, партия аъзоларининг сони ҳам ортмоқда. Масалан, йил давомида Олот туманида 85 нафарга, Ғиждувон туманида 35 нафарга, Ромитан туманида 25 нафарга, вилоят бўйича эса 135 нафарга аъзолар сони ошиб, жами 3785 нафарга етди.

Вилоят партия Кенгаши янги йилда кўтаринки руҳда ишламоқда. Вазифа аён. Сайловолди жараёнда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиш, партия мафкураси, ғояси, мақсад ва вазифаларини электорат, жумладан, сайловчиларга етказиш, шу билан бирга сафларни кенгайтириб, атрофига ёшлар, зиёлилар ва хотин-қизларни янада кенг жалб қилишдан иборат.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**"Adolat" мухбири.**



# «ЁШ АДОЛАТЧИЛАР» ИБРАТИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги "Ёш адолатчилар" Кенгаши ўтган "Ёшлар йили"да сермаҳсул фаолият олиб борди. Улар томонидан ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий соҳаларга оид йигирмадан ортиқ давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. Ўтказилган ҳар бир тадбир орқали Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фаолият дастури, мақсад ва вазифалари ҳамда "Ёш адолатчилар" Кенгашининг кенг қамровли ишлари билан ёшлар мунтазам таништириб борилди. Ёшлар ҳаётига доир муаммолар ҳам уларнинг доимий эътиборида бўлди. Аниқ мақсадларни кўзлаб ўтказилган тадбирлар натижасида кўплаб ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлишди. Бунинг натижаси ўлароқ, янги авлоднинг сиёсий партияларга бўлган қизиқиши ортиб, уларга аъзо бўлиш истаги кучайди. Ниятларига етган, сиёсий куч сафига қўшилган ёшлар эса партиянинг қатор тадбирларида қизғин иштирок этиб келишмоқда.

"Ёш адолатчилар" хайрия ишларида ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган ёшлар доимо уларнинг эътиборида. Биргина мисол, бурун-томоқ саратони билан оғриган пойтахтлик 18 ёшли Фотима Аусеванинг оилавий шароитидан хабардор бўлган "Ёш адолатчилар" зудлик билан кенгашиб, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чораларини белгилашди.

Бир сўз билан айтганда, "Ёш адолатчилар" партиянинг нуфузини ошириш ва фаоллар сонини кенгайтириш борасида қизғин фаолият олиб бораётир.

**Акмал САМЕДЖОНОВ,**
**«Ёш адолатчилар» Кенгаши фаоли.**

# ЮРТ ОБОДЛИГИ — ЭЛ ШОДЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўтган йиллар давомида қишлоқда аҳоли турмуш тарзини ўзгартириш, маданий-маиший, тиббий ва бошқа соҳаларга доир хизмат тизимини шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш, уй-жой қурилишига кўмаклашиш, узоқ аҳоли пунктларини туман, вилоят марказлари билан боғловчи йўлларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Энди эса бу ишларни янги сифат босқичига кўтариш, қишлоқда ҳаёт тарзини жиддий ўзгартириш, аҳоли манфаатларини янада тўла таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани яратиш ва мустаҳкамлаш вазифаси қўйилмоқда. Бунда қишлоқларимизга замонавий саноат корхоналарини олиб кириш, маиший хизмат соҳасини тубдан ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳисобига ёшларнинг фойдали меҳнат билан бандлик даражасини кўтариш, фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаш, ҳосил далалари унумдорлигини ошириш асосий мақсад ҳисобланади. Бу мақсад замирида, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "биз учун энг катта бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш" нияти ётади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар қишлоқларимизда истиқомат қиладиган ватандошларимизнинг турмуш даражасини ошириш орқали бутун мамлакатнинг умумий тараққиётига, эл-юртимизнинг равнақ топишига хизмат қилади. Бунда, энг аввало, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини режалаштириш ва лойиҳалашда бугунги кун талаблари ҳамда маҳаллий шарт-шароитни тўла ҳисобга олиш зарур бўлади. Ҳар бир иншоот, катта-кичиклигидан қатъий назар, намунали меъморий ечимларга асосланган бўлиши талаб этилади. Асосий вазифалардан бири – ҳар бир аҳоли пунктининг қурилиш ва ривожланиш бўйича бош режасига эришиш, туман марказларини, кўча ва майдонларни тартибга келтириш ва ободонлаштириш, қаровсизликка йўл қўймасликдир. Туман марказларидан анча олисда жойлашган қишлоқларни телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси билан қамраб олиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, унга кўра шу муддат ичида жойларда умумий майдони 7 миллион 100 минг квадрат метр бўлган уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилади. Биргина жорий йилнинг ўзида 452 та чакана савдо нуқталари, хусусан, минимаркетлар, 126 та умумий овқатланиш объектлари, шунингдек, 1 минг 856 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишга туширилади. Бунинг натижасида 140 мингта янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Дастурда қурилиш хомашёси ва материаллари турини кўпайтириш ҳамда нархини арзонлаштириш учун жойларда цемент, оҳак, гипс, шунингдек, турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги қувватларни барпо қилишга алоҳида эътибор берилган, қурилиш учун зарур бўлган хомашё конларини тиклаш ва фаолият кўрсатаётганларининг иш самарасини ошириш, қурилишбоп материалларни аҳолига мақбул нархларда сотадиган 77 та фирма дўконлари ва уларнинг филиалларини очиш кўзда тутилган. Қишлоқларимизда биргина касаначилик ҳаракатининг бундан буён ҳам ривожланиши натижасида яна 70 минг киши иш ўринларига эга бўлади. "Саломатлик-2" ва "Шошилинч тиббий ёрдам бўлимларини тиббиёт асбоб-усуналари билан жиҳозлаш" инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши эса аҳоли саломатлигини тиклашга ижобий таъсир кўрсатади. Йил якунигача 6 та академик лицей, 164 та касб-ҳунар коллежи, янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган 733 та умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилади. Қишлоқ жойларида 168 та болалар спорти иншооти, 6 та сузиш ҳавзаси ҳамда 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилади ва реконструкция қилинади.

Бу рақамлар бугун, бутун дунёда молиявий танглик ҳукм сураётган, иш ўринлари тўхтовсиз қисқараётган, кўплар ойлик даромад манбаини йўқотаётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳолини бундай бўҳронлардан асрашга, хусусан, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий-маиший эҳтиёжларини янада тўла қондиришга, қишлоқ ободлиги орқали мамлакат иқтисодиётини бундан буён ҳам изчил ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганини яққол тасдиқлаб турибди. Албатта, бундай катта мақсадга барчанинг ҳамжиҳатлиги, бир мақсад йўлидаги саъй-ҳаракати билан, бутун имкониятларни ишга солган ҳолда эришилади. Шундай экан, партиямиз аъзолари, депутатларимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари, ҳокимликлар, тегишли корхона ва муассасалар, ташкилотлар, фаоллар, тадбиркорлар билан ҳамкорликни кучайтиришлари, партия қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларда мазкур Дастурнинг халқчил моҳиятини чуқур очиб беришлари лозим бўлади. Зеро, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётимизни фаровонлаштириш – бизнинг бош мақсадимиздир.

**Равшан ҲАЙДАРОВ,**
**"Адолат" СДП Марказий аппарати раҳбари.**

# МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА

*Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Зомин тумани Кенгашида жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилган.*

— Ўтказилаётган тадбирларимизда партиямизнинг мақсад ва вазифалари билан бир қаторда жамоатчилик назоратига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди туман Кенгаши раиси Абдукарим Бегбўтаев. — Сабаби, кейинги пайтда аҳолининг сиёсий партияларга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан партия ташкилотларимизга ҳам жойлардан тушаётган мурожаатларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги лозим.

— Ўғлим «Адолат» СДПнинг аъзоси, — дейди тумандаги «Абдуқодир Остонов» паррандачилик фермер хўжалиги раиси А.Остонов. — Бир куни у партия тадбиридан келиб, туман Кенгаши қошидаги жамоатчилик назорати фаолияти ҳақида сўз очиб қолди. Мен ҳеч иккиланмай, фермер хўжалигимизни ташкил этишга кўмак беришларини сўраб мурожаат қилдим. Ўз навбатида айнан "Адолат" СДП фаоллари тадбиркорликни йўлга қўйишимда яқиндан кўмаклашишди. Мурожаатим эътиборсиз қолмаганидан хурсанд бўлдим. Шундан сўнг қисқа вақтда паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик фермер хўжалигини ташкил қилдим. Ҳозирда бутун оилам доимий иш билан таъминланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак", деган ҳикматли ибораси бизнинг амалий дастуримизга айланиб қолган. Эзгу ишларимизнинг бошида катта ҳаётий тажрибага эга, ўз меҳнати билан обрў-эътибор қозонган кишилар борлигидан фахрланамиз. Ана шундай инсонлардан бири Кенгашимизнинг фахрига айланган Робия опа Тўлаковадир. У мана икки йилдирки, Термиз шаҳридаги 1-умумтаълим мактабидаги 2 нафар аълочи ўқувчига ҳар ойда ўз ҳисобидан стипендия бериб келмоқда.

Фаолларимизнинг жойлардаги мавжуд муаммоларга бефарқ эмаслиги партия хайрихоҳлари сонининг ошишига хизмат қилаётир ва айни пайтда уларнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлаяпти. Буни ўтган йилнинг сўнгги ойларида маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари (оқсоқоллари)га ўтказилган сайлов ҳам яққол исботлади. Фаол партиядошларимизнинг 10 нафари маҳалла раислигига сайланди.

Айни дамда партиявий ташкилотчилик ишларимиз қизғин тус олган. Шаҳардаги маҳалла раислари билан ҳамкорликда жойлардаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган якка-ёлғиз кишилар ҳолидан тез-тез хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда.

Албатта, амалга ошираётган бу ишларимиз ҳали етарли эмас. Партиянинг ғоявий дастурларидан келиб чиқиб, олдинда турган вазифаларни рўёбга чиқаришимиз, аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ишларини кучайтиришимиз ва сайловлар йилида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида имкон қадар кўпроқ депутатлик ўринларига эга бўлишимиз лозим. Бу сўзсиз, партия Кенгаши ва фаоллар зиммасига улкан вазифалар юклайди.

**Зокир САФАРОВ,**
**"Адолат" СДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси.**

# ИШОНЧГА ТАЯНЧ

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча ҳудудий партия ташкилотлари қошида жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида партия фаолларидан иборат гуруҳ аъзолари жойларда фуқаролардан тушаётган аризаларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни мутасадди ташкилотлар кўмагида ечмоқда. Шу сабабли жамоатчилик назорати гуруҳларига мурожаатлар сони кун сайин ортиб бораяпти. Биргина ўтган йилда Қашқадарё вилояти партия Кенгаши қошидаги жамоатчилик назорати гуруҳига аҳолининг 100 дан ортиқ аризалари қабул қилинди.

– Мурожаатларнинг аксариятини уй-жой, коммунал хизмат ҳамда ижтимоий кўмак сингари бир қатор масалалар ташкил этмоқда, — дейди вилоят партия Кенгаши раисининг ўринбосари Аъзам Каримов. — Бундан ташқари жамоатчилик назорати аъзолари маҳаллалар ободончилигига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Косон тумани Наврўз маҳалласидаги икки километр масофадаги йўл таъмирланишига эришилди.

**Комил САХАТОВ,**
**"Adolat" мухбири.**



## Социал-демократия:

# ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

***Ҳозирги дунё – мураккаб мафкуравий зиддиятлар дунёси, ундаги "мафкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда кучлироқ ва хавфлироқдир". Бундай шароитда дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасида ҳар томонлама синовдан ўтган прогрессив мафкураларни танлаб олиш ва улардан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.***

### ТАЪСИРЧАН ВА КУЧЛИ МАФКУРА

Бугунги кунда кўпгина илғор демократик мамлакатлар ҳаётида кенг кўламли таъсирга эга бўлган ана шундай тараққийпарвар мафкуравий оқимлардан бири, бу социал-демократиядир. Бу мафкура, асосан, сиёсий ҳаётнинг марказида турувчи, яъни мўътадил сиёсатга асосланувчи сиёсий кучларнинг мафкуравий доктринасини ташкил этади. Социал-демократия ҳозирги замоннинг энг таъсирчан ва кучли мафкураларидан бири бўлиб, у ижтимоий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли билан жамиятни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишни кўзда тутади.

Тарихан социал-демократик ҳаракат XIX асрнинг ўрталарида шакллана бошлади. Ўша даврда бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида саноат ривожланиб, катта корхоналар вужудга келди. Бу, ўз навбатида, ёлланма ишчи кучига бўлган талабни оширди. Ишчиларнинг оғир меҳнати ва ижтимоий аҳволи уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақозо этарди. Бу вазифани ўзларини социал-демократ, деб атовчи инсонлар ўз зиммаларига олдилар. Дастлаб улар матбуот ва касаба уюшмалари орқали, кейинчалик эса сиёсий партиялар орқали ҳаракат қилдилар. Бундай партиялар фаолиятининг моҳияти демократик шарт-шароитлар яратиб, меҳнаткашлар ижтимоий ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашдан иборат эди.

Социал-демократлар ёлланма ишчилар ва тадбиркорлар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этдилар. Улар янги иш жойлари, юқори иш ҳақи, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун олинадиган соліқлар бозор муносабатларининг самарали йўлга қўйилиши билан боғлиқлигини тўла англаган ҳолда, ҳар доим тадбиркорлар ва кенг халқ оммасининг манфаатларини бир-бирига мослаштиришга интилиб иш олиб бордилар.

Социал-демократия мафкурасини XIX аср охирида немис мутафаккири ва жамоат арбоблари К.Каутски ва Э.Бернштейн илмий асослаб берган. Ушбу мафкурага биноан, янги жамиятга синфий кураш, яъни инқилобий йўл билан эмас, балки эволюцион йўл билан, буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларни амалга оширишни давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётига фаол аралашуви, даромадларнинг жамиятдаги эҳтиёжманд кишилар фойдасига қайта тақсимланиши, шунингдек, иқтисодиётнинг давлат секторини қўллаб-қувватлаш, қолаверса, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириб туриш ва шу асосда, давлатнинг ижтимоий дастурларини ривожлантириш сингари вазифалар билан боғлайдилар.

**Социал-демократия мафкурасининг бош негизини ижтимоий ҳимоя ташкил этади. Социал-демократияда инсоний меҳр-оқибат ва мурувват марказий ўрин тутади. Бу айни кундаги энг зарур қадриятлардандир. Ушбу мафкура дунё мамлакатлари, хусусан, Европа мамлакатлари тажрибасида синовдан муваффақиятли ўтган бўлиб, ҳозирги замонавий жамиятлар тараққиёти йўлида ўзининг ҳар томонлама самарали эканлигини кўрсатмоқда. Ижтимоий адолат тамойиллари, вакиллик демократияси қоидалари, инсон қадр-қиммати ва эркинлиги, маънавий қадриятларга содиқлик ҳозирда ҳам унинг асосий мафкуравий таянчлари бўлиб келмоқда.**

### АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ — ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

Социал-демократия – ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорликка асосланувчи сиёсий йўналиш ҳисобланади. У жамиятда турли-туман гуруҳ ва табақаларнинг тинч-тотув, аҳил ҳаёт кечириши, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик тарафдори бўлиб, ташқи сиёсатда бошқа мамлакатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ёқлаб чиқади. Шунингдек, ижтимоий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, мустақил ва эркин шахсни камол топтиришга қаратилган ижтимоий муносабатлар тизимини жорий қилиш ҳам социал-демократия мафкураси асосида ётади. Ушбу мафкура меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳоли учун тенг имкониятлар яратишни, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож табақалари учун меҳр-мурувват кўрсатишни кўзда тутади.

Социал-демократия мафкурасининг бош негизини ижтимоий ҳимоя ташкил этади. Социал-демократияда инсоний меҳр-оқибат ва мурувват марказий ўрин тутади. Бу айни кундаги энг зарур қадриятлардандир. Ушбу мафкура дунё мамлакатлари, хусусан, Европа мамлакатлари тажрибасида синовдан муваффақиятли ўтган бўлиб, ҳозирги замонавий жамиятлар тараққиёти йўлида ўзининг ҳар томонлама самарали эканлигини кўрсатмоқда. Ижтимоий адолат тамойиллари, вакиллик демократияси қоидалари, инсон қадр-қиммати ва эркинлиги, маънавий қадриятларга содиқлик ҳозирда ҳам унинг асосий мафкуравий таянчлари бўлиб келмоқда.

Ғарбда шаклланган социал-демократия ғоялари ҳозирги кунда бутун дунёга кенг тарқалди. Эндиликда дунёнинг турли мамлакатларида, шу жумладан, бир қатор Шарқ мамлакатларида ҳам социал-демократик йўналишдаги партияларни ҳокимият тепасида ёки ҳокимият учун кураш жабҳасида кўриш мумкин. **Дунёда социал-демократик йўналишдаги 200 дан ортиқ партия ва ҳаракатлар мавжуд. Улар социалистик, лейбористик, социал-демократик партиялар номи остида фаолият кўрсатишмоқда.** Социал-демократик йўналишдаги аксарият партиялар ва ҳаракатлар Социалистик Интернационалга бирлашган.

### ТАМОЙИЛЛАР НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Ҳозирда амалдаги социал-демократия тамойиллари Социалистик Интернационалнинг 1989 йилда Стокгольм шаҳрида ўтказилган Конгрессида ишлаб чиқилган Стокгольм Декларациясида ўз аксини топган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

**Демократик социализм** – бу эркинлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик йўлидаги халқаро ҳаракатдир. Унинг мақсади демократик социализмнинг асосий қадриятлари юзага чиққан, демократик жамият доирасида ҳар қандай инсоннинг фуқаролик ҳуқуқлари кафолатланган, фаровон ҳаёт кечириш учун имкониятлари тўла рўёбга чиқарилган осойишта дунёни яратишдир.

**Эркинлик** – ҳар қандай инсон барча турдаги зўрликдан эркин бўлишга ва ўзининг шахсий мақсадлари ҳамда индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳақли деганидир.

**Адолат** – шахснинг бирон-бир шаклдаги камситилишига йўл қўймаслик ва ҳамма учун баробар ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги демакдир. Адолат ҳар қандай жисмоний, ақлий ва ижтимоий тенгсизликка барҳам беришни талаб этади.

**Тенглик** – бу одамларнинг тенг қадр-қимматга эгалигининг кўрсаткичи ва инсон шахси эркин камол топишининг зарур шартидир. Принципиал жиҳатдан иқтисодий, ижтимоий ва маданий тенглик турли хил шахсий қобилиятларни рўёбга чиқариш учун ҳам, ижтимоий тараққиёт учун ҳам устувор аҳамиятга эгадир.

**Бирдамлик** – адолатсизлик қурбонларига нисбатан кўрсатилган инсонпарварлик ва ҳамдардлик руҳининг амалий кўринишидир. Халқларнинг асосий инсонпарвар анъаналарида адолатли тарзда бирдамлик тамойилига алоҳида аҳамият бериб келинган.

Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда социал-демократлар ҳокимият тепасида. Хусусан, аксарият Европа мамлакатларида социал-демократларнинг мавқеи жуда юқори. Социал-демократлар сайловларда сўнгги марта ғалаба қозонган мамлакатлар – Чехия, Словения ва Румыния ҳисобланади. Бу мамлакатларда 2008 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида социал-демократлар яққол устунлик билан ғалабага эришиб, ҳукуматни шакллантирдилар. Швеция, Финляндия, ГФР, Буюк Британия, Испания, Италия, Португалия, Австрия, Голландия, Норвегия каби мамлакатларда эса социал-демократлар давлат бошқарувини амалга оширишда бевосита иштирок этиб келмоқдалар.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар номзоди,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси.**

(Давоми келгуси сонда.)

Мулоҳаза

# МУВОЗАНАТ БОР ЖОЙДА ЎСИШ БЎЛАДИ

Яқинда партия Марказий Кенгашида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг уч-тўрт нафар аъзолари ўзаро гурунглашиб ўтириб, гапимиз жаҳон молиявий инқирозига бориб тақалди.

– Иқтисодиёт фанида товар (ёки хизматлар)га бўлган талаб билан таклиф ўртасида мувозанат бузилса – молиявий инқироз юз беради, дейилган, — изоҳ берди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси А.Абдуназаров. – Унинг асосий сабаблари — банклар ликвидлиги (тўлов қобилияти)нинг заифлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви, кредит бозорида юз берган танглик ва маблағ (пул)нинг етишмаслигидир. Бугунги кунда дунё бўйлаб "парвоз" қилаётган жаҳон молиявий инқирозининг сабаблари ҳам аслида шу.

– Тўғри айтасиз, – қувватладим уни, – шу боисдан ҳам бугун дунёда унинг олдини олиш учун эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўли қидирилаяпти. Ўтган йил Вашингтонда 20 та йирик давлатларнинг иқтисодчилари саммитида айни шу йўл изланди. Чунки, улар бу глобал инқироз энди олдинлари эришилган ютуқларга қайта эришиб бўлмаслигига амин бўлдилар. Жаҳон бўйича ялпи маҳсулотнинг 85 фоизини ишлаб чиқараётган шу 20 давлатда бугунги кунда молиявий-иқтисодий ва банк тизимлари барқарорликни йўқотди, ҳимоя механизми заифлашди, банкларининг тўлов қобилияти сусайиб, кредит бериш жараёнларида танглик юз берди... Охир-оқибат – пул етишмаганидан иш ўринларини қисқартириш, маошлар ставкасини камайтириш, товарларга, хизматларга бўлган талаб ва таклифлар мувозанатида бузилиш содир бўлди...

Суҳбатимиз шу тарзда анча давом этди. Иқтисодиётда учраб тургуси бундай ҳоллар инсоният тарихида олдинлари ҳам бўлган. Оксфорд университети профессори; иқтисодиёт назарияшуносларидан бири Филин Кей жаҳон тарихида илк молиявий инқироз эрамиздан аввалги 88-йилда Рим империясида юз берганлигини ёзган.

Бу галги инқироз эса Америкадан бошланди. У ҳозир Европа давлатларига ҳам "қанот ёзиб парвоз" қилди. Буни кундалик ахборотларда ҳам кўриб турибмиз. Қатор хорижий давлатларда савдо биржалари ва банклар касодга учраяпти. Натижада, қатор корпорация ва концорциумларда ишчи-хизматчилар сони қисқариши, янги саноат корхоналари қурилишлари тўхтаб қолиши сингари нохуш ҳолларни келтириб чиқармоқда.

Молиявий инқирознинг илк зарбасини олган АҚШнинг кўраётган чора-тадбирлари ичида янги сайланган президент Барак Обаманинг ваъдаси (2008 йилнинг декабрида) кўпчиликда анчайин мулоҳаза уйғотди. У ўшанда инқирозни бартараф этиш учун 700 миллиард доллар маблағ ажратилишини айтган. Унинг учдан бир қисмини йўл қурилишига сарфлаб, 2,5 миллионта иш ўрни яратилиши зарурлигини таъкидлаган. Шу ўринда қиёсий таҳлил: Барак Обама ажратишни ваъда қилган маблағ Жорж Буш маъмуриятининг сўнгги беш йилда Ироққа йўллаган сармоядан кўп экан. Халқаро кузатувчилар тахминига кўра, янги президент тутган йўл — мамлакат давлат бюджетида 1 триллион доллар тақчилликни юзага келтириши эҳтимоли бор экан.

Хуллас, Америкада ипотекали кредитлаш тизимидан бошланган молиявий танглик миқёси бугунги кунда тобора кенгайиб, йирик-йирик банклар ва молия тузилмаларининг ликвидлигини — тўлов қобилиятини "майиб"лаштириб қўймоқда. Етакчи фонд бозорларида катта-катта компанияларнинг индекслари ва акциялари қиймати кескин тушиб бораяпти. Бу эса, шаксиз, ўша мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир ўтказиб, ишсизлик ҳамда бошқа хил оғир оқибатларни келтириб чиқараётир.

Мана шундай кезларда, беихтиёр ўз юртимиз, ўз Ватанимиз — Ўзбекистон иқтисодиёти ва молиявий таъминоти ҳақида ҳам ўйлаб қоласан, киши. Аммо хавотирга ўрин йўқ. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда бошланган ва амалда ўзини тўла оқлаётган ислоҳотлар ҳамда модернизациялашнинг ўзига хос моделидан келиб чиқадиган принциплар, мақсадлар, вазифалар ижроси самараси — бугун дунё аҳлига ойдек, кундек равшан бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, **"Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугун ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда".**

Ҳа, мамлакатимизда ўтган 17 йил ичида молиявий-иқтисодий, бюджет, банк кредит тизими муваффақиятли шаклланди. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқлари барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланаётир. Булар учун етарли даражада заҳиралар яратилиб, зарур ресурслар базаси вужудга келтирилди. Банкларимизнинг капиталлашув даражаси йил сайин ошиб, уларнинг ликвидлиги — тўлов ва кредит бериш қобилияти изчил ўсмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Марказий банк мутасаддилари келтирган рақамларга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз тижорат банклари капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида жамлаган 8 та етакчи тижорат банкларининг умумий капитали ҳажми 42 фоизга ошган. Бу кўрсаткич 2010 йилгача яна 2 баробар ортиши кутилмоқда.

Мазкур рақамлар шундан далолат берадики, муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари ва қатъий саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда бошланган иқтисодий ислоҳотлар "шок терапеяси"га берилмасдан, босқичма-босқич, изчил, барқарор амалга оширилиши натижасидир.

Бугун барчамиз кўриб турибмиз, Ўзбекистонда молиявий инқирозга дуч келган мамлакатлардаги сингари хўжалик юритувчилар сони ва харажатлар ҳажми қисқариши ҳоллари йўқ. Иш ҳақи, ходимлар ўрни, имтиёзлар оқилона тежам билан олиб борилмоқда. Товарлар (хизматлар)га бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат маромида. Корхоналарда ишнинг юришини таъминлаш учун маҳсулотларни тезроқ сотиш йўллари қидирилмоқда. Мижоз излаш, буюртмалар қабул қилиш юмушлари жадал бораяпти. Уларни жалб қилиш учун телерадио, матбуот ва интернет рекламалари хизматидан унумли фойдаланилмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳамма соҳаларида белгиланган кўрсаткичлар ўтган йиллардаги каби изчил таъминланиб, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат маромида сақланса, молиявий инқироз касри Ўзбекистонга тегмайди.

**Ю.НИШОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.**

Ислоҳот ва натижа

# ПАХТА ТОЛАСИДАН ЭКСПОРТБОП ТРИКОТАЖ

### ёки Жомбойдаги "Амин интернейшнл" қўшма корхонаси хорижий сармоядорларни ўзаро фойдали ҳамкорликка ундай олгани хусусида



***Бу корхонада ҳамма ишлаб чиқариш жараёнлари юксак технология асосида олиб борилади. Бир йилда оз эмас, нақд 2 минг тонна пахта толаси завод дарвозасидан киритилиб тайёр трикотаж ҳолида қайта экспортга жўнатилади. Ҳа, "Амин Интернейшнл" хомашёни тўлиқ қайта ишлаб, ундан ғоят сифатли тайёр маҳсулот чиқараётган ва валюта заҳираларини кенгайтириб бораётган мамлакатимиздаги нуфузли корхоналардан бири.***



Россия ва Англия сармоядорлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаётган мазкур қўшма корхона рентабеллик борасида энг юқори кўрсаткичга эришмоқда. Бултур жамоа хорижлик буюртмачиларга ўз маҳсулотининг 82 фоизини ёки 1 миллион 350 минг АҚШ доллари ҳажмидаги трикотаж либосларини етказиб берди. Маҳсулот ассортиментини мунтасил янгилаб туриш, замонавий бичимдаги кийим-кечакларни яратиш туфайли корхона харидорлари сони тобора ортмоқда. Айни пайтда бу ерда 50 хилдан ортиқ тайёр трикотаж савдога чиқарилмоқда.

Корхона раҳбари Эмма Кастамированинг таъкидлашича, хориж бозорига чиқиш йўлидаги рақобат самарқандлик енгил саноатчиларни доимо изланувчанликка ундамоқда. Цехларда олиб борилаётган модернизация ишлари ана шу интилишнинг далилидир. Хусусан, ўтган йилнинг охирида корхона Германиянинг "Бенекс" фирмасида ишлаб чиқарилган энг сўнгги нусхадаги бўяш ускунаси билан жиҳозлантирилди. Салкам 700 минг АҚШ доллари сарфланган мазкур модернизация корхона маҳсулотини жаҳон бозорида янада харидоргир қилмоқда. Сабаби, янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ заводга одатдагидан кўпроқ буюртма тушмоқда.

Шуниси эътиборлики, экспортга йўналтирилган корхонада ҳар бир ходим ўз ишининг малакали мутахассиси. Татьяна Киселёва, Алла Ли, Шариф Мустанов, Марҳабо Холмирзаевалар шулар жумласидандир.

Омборхона учун эмас, тўғридан-тўғри истеъмол учун ишлаётган корхонада бугун 700 нафар ходим юқори маош билан таъминланган. Маъмурият ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, ишчиларнинг дам олиш ва даволанишларини ташкил этиш учун каттагина маблағ сарфламоқда. Курорт-санаторийларга имтиёзли йўлланмалар тарқатилмоқда.

Қарс икки қўлдан деганларидек, ижтимоий ғамхўрликлар эса корхонанинг иш унумида ўз аксини топмоқда. "Амин интернейшнл" "Самарқанднинг энг сифатли маҳсулоти" ёрлиғи ҳамда "ИСО-9001" халқаро сифат сертификатига сазовор бўлганлиги ўзаро рақобатда қўли баланд келаётганидан далолат бермоқда.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Adolat" мухбири.**

**Суратларда:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

# ДАВОС ФОРУМИ

### Дунё бизнес-раҳбарларининг энг катта йиғини ҳам молиявий инқирозни бартараф этишга етарли бўлмади

Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон иқтисодий форуми қарийб 40 йиллик фаолияти давомида бугунгидай доираси кенг, мавзуси долзарб бўлмаган. Форум 2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози пайтига тўғри келгани унинг аҳамияти ва нуфузини яна бир карра оширди.

Ўтган йилнинг ўрталаридан бўй кўрсата бошлаган инқироз АҚШда катта миқдордаги ипотека кредитларининг ўз вақтида қайтарилмаслиги оқибатида келиб чиққанди. Уй-жой кредитлари бериш билан шуғулланувчи ташкилотлар бозорни тўла ўрганмай, иқтисодий талабларни етти ўлчаб бир кесмагани улкан миқдорда камомад юзага келишига сабаб бўлди. Оқибатда инқироз АҚШ, Европа, Осиёдаги кўплаб "бели бақувват" банкларни «ишдан чиқарди», унинг реал секторга таъсир қилиши эса аҳоли даромадининг камайишига олиб келди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу жараёнда энг катта муаммолардан бири – ишсизликнинг ҳаддан ташқари кучайиши бўлди. Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамизда 2005 йилда ишсизлар сони 191 миллион кишига етган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич қарийб 4 миллионга ошган. Бугунги кунга келиб эса, уларнинг сони 210 миллиондан ошиши кутилмоқда. Бундай юқори кўрсаткич яқин ўн йиллар давомида кузатилмаган эди.

Россиялик иқтисодчи Михаил Бергернинг фикрича, бугунги вазият бошқаларидан мутлақо фарқ қилади. Боиси, ҳозирги молиявий инқирозни бартараф этиш мақсадида ҳам сиёсатчилар, ҳам президентлар, ҳам халқаро ташкилотлар биргаликда кураш олиб бормоқда. Шу жиҳатдан асрнинг энг катта муаммосини ҳал этишга қаратилган мазкур форум аввалгиларига нисбатан анча жиддий руҳда ўтди. Курорт шаҳарда 1971 йилдан буён ўтказиб келинаётган Давос форумларини халқаро саммит ёки конференцияларга қиёслаш қийин. Давос – жентельменлар клуби бўлгани учун унда ҳеч қандай қарор қабул қилинмайди. Бу ерда бўлиб ўтган ҳозирги форум эса, мамлакатлар учун жиддий қарорлар қабул қилишда ўзига хос саммит вазифасини ўташи кутилган эди.

Мазкур форумда қарийб 40 нафар давлат раҳбарлари, 1400 нафардан ортиқ турли халқаро компания вакиллари – жами 2600 делегат иштирокидаги йиғин бизнес-раҳбарлар тарихидаги энг катта учрашув бўлди. Унда соҳа мутахассислари, сиёсатдонлар инқироздан чиқиш борасида турли таклиф-мулоҳазаларни кўриб чиқишган. Хусусан, кўпчилик бундай вазиятда молия ташкилотлари фаолияти бўйича назорат ва кузатувни кучайтириш кераклигини ёқлаб чиққан. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор: миллий тизимлар устидан назоратни ошириш асрлар давомида шаклланган эркин иқтисодий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айни пайтда дунё миқёсида молиявий инқироздан чиқиш учун ҳукуматлар томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. АҚШ ҳукумати томонидан баъзи хусусий банклар сотиб олинмоқда, айрим давлатлар эса қийин аҳволда қолган банкларга сармоялар ўтказаяпти. Куни кеча Австралия ҳукумати кейинги 4 йилда мамлакат инфраструктурасини ривожлантириш учун 26,5 миллиард доллар ажратишини маълум қилган. Давосда Япония бош вазири Таро Асо кунчиқар давлати ҳукумати Осиё-Тинч океани ҳудудидаги давлатлар учун 17 миллиард доллар миқдоридаги молиявий ёрдам кўрсатишини айтган. Сўнгги хабарларга кўра, инқироз Буюк Британиядаги кўплаб хусусий мактаблар фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Ҳозир расмий Лондон мазкур муассасаларни ўз қарамоғига олмоқда.

Молиявий инқироз пайтида мижозлар банкларга қўйган пулларини қайтариб олиш пайига тушадилар. Бу, сўзсиз шундайига ҳам қийин аҳволда турган банкларнинг нақд сармоясига таъсир кўрсатади ва ҳатто уларни банкрот ёқасига олиб келади. Шунинг учун, баъзи давлатлар банклардаги пул эгаларига кафолатлар бермоқда. Боисики, молиявий инқироз оқибатида банклар қийин аҳволда қолса, иқтисодда барқарорсизлик пайдо бўлади. Вазиятдан чиқишнинг энг мақбул йўли – бу ишчи-ходимларни ишдан бўшатиш амалиётидир. Минглаб, балки миллионлаб бўшатилган ходимлар ҳам бундай пайтда қараб ўтиришмайди, аксинча, ишсизлик суғуртасидан фойдаланишга ўтади. Бу эса суғурта компаниялари учун етарлича бош оғриққа айланиб, улкан миқдордаги талабларни бажара олмасликка олиб келади. Иқтисодий танглик ҳукм сурган бундай вазиятда давлатнинг банкларни қутқариш режаси энг камчиқим ва осон йўл саналади.




Давосдаги форум доирасида кўп ва хўп гаплар айтилди. Жиддий тортишувлар ҳам кузатилди, вақти-вақти билан аҳоли томонидан айрим давлатлар инқирознинг олдини олиш борасида чора-тадбир кўрмаётганликни важ қилиб, норозилик намойишлари ҳам ўтказиб турилди. Буюк Британия бош вазири Гордон Браун дунё давлатлари раҳбарларини ўзларига ишонч ва доимо ҳаракатда бўлишга чақирди.

– Бизга ҳар бир минтақада инқироз ҳақида олдиндан огоҳлантирувчи тизим зарур, – дейди Гордон Браун. – Биз молиявий бошқарувнинг янги тизимини ишлаб чиқишимиз керак ва унда асосий эътибор нафақат банклар, балки бошқа молиявий ташкилотлар, муассасалар жавобгарлигига қаратилиши лозим.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Г.Браун жаноблари бу қандай тизим бўлиши, қайси тамойилларга асосланиши ҳақида гапиргани йўқ.

Германия канцлери Ангела Меркел хоним ҳам инқироз якунлари бўйича бутунжаҳон иқтисодий хартиясини имзолашни таклиф қилган. Унинг фикрича, бундай хартия янги тизимни вужудга келтиришда муҳим омил бўлади. Аммо тизимнинг аниқ кўринишлари ҳақида сўз юритилмади.

Хуллас, иқтисодий форум ҳозирча инқирозни батамом бартараф этиш борасида жўяли чора топа олганича йўқ. Ҳар бир давлат ўз имконияти доирасида кўраётган тадбирлар эса ушбу глобал муаммони ечиш учун етарли эмас, албатта. Эсингизда бўлса, 2008 йилнинг ноябр ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлади. Саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар шуни кўрсатдики, бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида сўз бораётгани йўқ, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланмоқда, холос. Яъни, бу масалада вазият шу даражага етдики, энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос қолмади.

Муҳокамаларда инқирозни келтириб чиқарган сабаблар таҳлили бўйича саммит иштирокчиларининг ягона ёндашувга эга эмаслиги, шу боис ушбу глобал молиявий инқирознинг жиддий ва узоқ давом этадиган оқибатларини бартараф этиш юзасидан умумий ва самарали дастур ишлаб чиқиш ҳақида гапиришга ҳали эрта экани аён бўлганди. Давос форуми ҳам шулардан фарқ қилмади, дейиш мумкин.

**Фазилат АКРОМОВА,**
**Отабек РАҲМОНОВ.**

Иқтисодиёт хабарлари

## БОЗОР ФАЙЗИ — ТЎКИНЛИК РАМЗИ

*Республикамиз ҳукумати кўрсатмаси билан вилоят ҳудудида бозорлар қиёфасини миллий меъморчилигимиз негизида замонавийлаштириш ва уларда нарх-навонинг асоссиз ўсиши олдини олиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Шу мақсадда сўнгги йилларда бозорларда қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари авж олдирилиб, қатор ободонлаштириш юмушлари бажарилди, сотувчилар ҳамда харидорларга қулай шарт-шароитлар яратилди. Қаршидаги "Ерқўрғон", Муборак, Косон, Чироқчи туманларидаги Марказий ва Шаҳрисабздаги "Янги Кеш", Китобдаги "Макрид-жума" деҳқон бозорларида қиймати 2105,0 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етди. Уларда тикланган янги савдо айвонлари, расталар, дўконлар, сув ва электр тармоқлари таъминоти бугун элу юрт эҳтиёжига хизмат қилмоқда.*

## КАСАНАЧИЛИК РИВОЖ ТОПМОҚДА

*Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, ўтган йил ҳудудда 41 минг 278 та янги иш ўринлари яратилди.*

*Мазкур иш ўринларига асосан тадбиркорликка ихлосманд ёшлар ҳамда аёллар эга бўлишди. Уларнинг 5 минг 991 нафари айнан касаначилик билан шуғулланиб, ўтган йили мамлакат иқтисодиётига 1423,3 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришди.*

*Давлатимиз раҳбарининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2006 йил, 5 январь) Фармони ижроси йўлида вилоятда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янада кенг кўламли ишлар олиб борилиши кўзда тутилган.*

Назорат

## ФАОЛИЯТ ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳар қандай қонуний фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эса тегишли қонунлар билан кафолатланган.

Афсуски, бундай қулайлик ва имкониятлардан оқилона фойдаланмасдан, ўз манфаатлари йўлида эгри йўлни тўғри, дея амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтаётган айрим "тадбиркор"лар борлигидан ачинасан киши.

Ўтган йил давомида ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда туман ҳудуди аҳоли гавжум бўлган жойлар-бозорлар, савдо мажмуалари ва шаҳобчаларида аудио-видео маҳсулотлари сотиш учун рухсатнома (лицензия)ларнинг мавжудлиги, уларни ноқонуний сотиш ҳолатлари бўйича бир қанча рейд тадбирлари ўтказилди.

Юқорида айтилганидек, "уддабурон" шахслар ушбу қўшма тадбирларда 39 ҳолатда 7632 дона, жами 10797,1 минг сўмлик турли хил ёзувда DVD ва VCD дисклар билан савдо қилаётгани аниқланди. Натижада 15 нафар қонунбузар шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар суд органларига юборилиб, 1144,7 минг сўм маъмурий жаримага тортилди. Албатта, бу борада доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Бироқ, масаланинг бошқа жиҳатига эътибор қаратсак. Ахир сотилаётган ушбу турли хилдаги дисклар бизнинг маънавиятимизга, айниқса ёшлар онгига қай даражада таъсир кўрсатади?! Уларнинг барчасини ҳам санъат асари, деб баҳолаб бўлмайдику! Қолаверса, бундай шахслар учун энг тўғри ва мақбул йўл – қонуний фаолият юритишдир.

**М.МИРЗАЕВ,**
**Бектемир тумани ДСИ бўлим бошлиги ўринбосари.**

# ИККИ ОЙЛИК ТЕЛЕВИЗОР

Яқинда бекатда автобус кутиб туриб икки кишининг суҳбати қулоғимга чалинди. Улардан бири дўкондан уй-рўзғор буюми харид қилган экан. Уйига олиб бориб ишлатиб кўрса, буюм сифатсиз чиқибди. Қайтариб дўконга олиб чиққан экан, сотувчи: Бизда сотилган нарса қайтиб олинмайди. Буни ўзингиз бузгансиз. Шунинг учун ҳам алмаштириб бермаймиз, жавоб қилибди. «Нархи қиммат эди, алам қилади...», деб хўрсиниб гапирди ҳалиги йўловчи.

Чидаб туролмай, мен ҳам суҳбатга қўшилдим.

— Кечирасиз, сотиб олганингизда касса чекини беришганмиди? – сўрадим ундан.

— Касса чеки..., – ўйланиб қолди у. – Йўқ, беришмаган.

Шунинг учун сотувчи буюмни алмаштириб бермаганини унга тушунтирдим. Гапим тугар-тугамас унинг ёнидаги ҳамроҳи гапга қўшилди.

– Чек берса ҳам улар барибир шундай қилишади – алмаштириб бермайди. Ўғлим бир дўкондан телевизор харид қилганди. Омон бўлгурлар уч йил кафолати билан сотишган экан. Икки ойга бормай бузилди. Дўконга олиб борса, токдан куйган, дейишибди. Ҳартугул тузатиб беришибди.

– Ўтган йилнинг қиш ойларида пойтахт дўконларининг биридан қўл телефонини сотиб олдим, – деб уларга яқинроқ келдим. – Сотган маҳсулотига бир ой кафолат хатини ҳам ёзиб беришди. Уч-тўрт кундан сўнг телефон бир ишлаб, бир ишламайдиган қилиқ чиқарди. Дарҳол сотувчига учрашдим, алмаштириб беришларини сўрадим. Бир пасда атрофимни сотувчининг шериклари ўраб олишди. Улардан бир гапдони сотилган буюм қайтиб олинмаслигини, кимга арз қилсам қилаверишим мумкинлигини шаъма қилди. Менинг ҳам қайсарлигим тутиб, пулимни қайтиб беришларини талаб қилдим. Йўқ, беришмади, аксинча устимдан кулишди. Мен ҳам қараб турмадим: тўғри Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилдим. Соҳа мутахассислари расмий аризам билан танишиб чиққач, шу куннинг ўзидаёқ бир ходимини қўшди, дўконга келдик. Қонун-қонунда бир пасда масала ҳал бўлди.

Бекатда турган ҳалиги икки киши бу гапни эшитиб шундай имкониятлардан фойдаланмаганликлари учун афсус қилишди.

Автобусда манзилимга кетаётиб ўйладим: истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида радио-телевидениеда, газеталарда муттасил маълумотлар бериб бориладику. Нега ўзимизнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларимизни талаб қилишни билмаймиз?!

**Шаҳбоз ИЗЗАТИЛЛАЕВ.**

